

ҲАЖ САҒАРИ
ДАҒТАРИДАН



ТОШКЕНТ — 2000

ҲАЖ САФАРИ ДАФТАРИДАН

(Носир Хисравнинг “Сафарнома”сидан)

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

86.38

М 52

Форс тилидан таржима, кириш сўзи
ва изоҳлар муаллифи
Омонулло БЎРИЕВ

Масъул муҳаррир: Абдулазиз МАНСУР

X $\frac{0403000000 - 3}{M352(04) - 2000}$ қатъий буюртма, 2000

ISBN 5-635-01837-8

© Омонулло Бўриев (тарж.), Фафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2000 й.

КИРИШ

Каъба уйини тавоф қилган ҳар бир мусулмон исломнинг бешта рукнидан бирини бажарган бўлади. Демак, ҳаж сафарига бормоқ фақат соғлиғи ва имкони етарли бўлган кишиларгагина буюрилганлиги маълум бўлади. Зеро, Куръони Каримда: “Қодир бўлган кишиларга Оллоҳ йўлида ҳаж уйи (Каъба)ни зиёрат қилиш фарз этилди”, — дейилган (Оли Имрон сураси, 97-оят). Ҳаж маросими Муҳаммад алайҳиссалом Мадинадан Маккага Каъба уйини тавоф қилмоқ учун келган 629 йилдан бошлаб мусулмонлар учун расмий анъанага айланди. Буни “кичик ҳаж” (умра) дейишади, чунки пайғамбар бу сафарда Каъба уйини зиёрат қилиб, Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта юриш билан чекланган. Бир йилдан сўнг, яъни 630 йили Абу Бакр Сиддиқ расмий ҳаж билан Маккага келди. Муҳаммад алайҳиссалом 631 йили охириги видолашув ҳажидида умра русумларига қўшимча, Арафот тоғида нутқ сўзлаб, Мийно водийсига қайтиб келиб қурбонлик қилди ва бу катта ҳаж ёки асосий ҳаж зиёрати ҳисобланди.

Шундан сўнг, мусулмонлар бутун ислом олаmidан ҳаж зиёратига борадиган бўлдилар ва бу кучли эътиқодга айланди. Айрим ҳаж зиёратчилари ўзларининг сафарда кўрган-кечирганларини кундалик ёки саёхатнома тарзида ёзиб қолдирганлар. Ана шундай кишилардан бири ўртаосиёлик сайёҳ-олим Абу Муинуддин Носир Хисрав ал-Қубодиёний ал-Марвазий (1004—1068) эди, у ўзининг ҳаж сафари эсдаликларини “Сафарнома” деб атади. Бу асар ҳаж сафари хотиралари битилган Марказий Осиё халқлари ёзма меросининг дурдоналаридан саналади.

Носир Хисрав ўзининг ҳажга бориш нияти ҳақида ўз “Сафарнома”сида шундай ёзади: “Марвдан девон ишлари билан Марврудга бордим... У ердаг Жужжонга ўтдим ва бир ой давомида муттасид шароб ичдим. Тунларнинг бирида тушимда бир киши менга шундай деди: “Яна қанча



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4785> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4785>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4785>